

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМИРОВА СВЕТЛАНА МАЪМУРЖОНОВНА**

**ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ВА ПОЭТИК  
ИНДИВИДУАЛЛИК  
(Усмон Азим шеърияти мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

<b>Умирова Светлана Маъмуржонова</b> Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида) .....	3
<b>Умирова Светлана Маъмуржонова</b> Лингвистические средства в узбекской поэзии и поэтическая индивидуальность (на примере поэзии Усмона Азима) .....	23
<b>Umirova Svetlana Ma'murjonovna</b> Linguistic means and poetic individuality in uzbek poetry (on the example of the poetry of Usmon Azim).....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМИРОВА СВЕТЛАНА МАЪМУРЖОНОВНА**

**ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ВА ПОЭТИК  
ИНДИВИДУАЛЛИК  
(Усмон Азим шеърияти мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.PhD/Fil223 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [samdu.uz](http://samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Суюн Амирович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Муродова Нигора Қулиевна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил \_\_ \_\_ соат \_\_ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-18-92.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Муҳиддинов М.Қ.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Пардаев А.Б.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Маматов А.Э.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д.

## **КИРИШ (филология фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида XX аср бошларидан эътиборан лингвопоэтика масалаларини ўрганишга эътибор кучайди. Муаммоларни тадқиқ этиш жараёнида лингвопоэтика матн лингвистикаси, прагмалингвистика, лингвостилистика ва когнитив тилшунослик сингари соҳалар билан бирга ривожланмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар тил омилига антропоцентрик ёндашув ва унинг лингвокультурологик аспектларини ёритишнинг таркибий қисми саналади. Шу жиҳатдан, тил бирликларининг турли нутқ кўринишлари ва сатҳларидаги функционал-стилистик, лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, адабий тилнинг бадиий мукамалликка, миллий характерлар яратишдаги ўзига хосликка эришишида сўз санъаткорларининг машаққатли хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жаҳон тилшунослигида матн лингвистикаси, жумладан, унинг олий босқичи бўлган лингвопоэтик тадқиқотлар замонавий таҳлил методларига таянилган ҳолда олиб борилмоқда. Унинг стилистика ва адабиётшунослик соҳалари билан муштарак жиҳатлари чуқур ўрганилмоқда. Чунки у фонетик, лексик ва грамматик сатҳларидаги бирликларга бадиий адабиёт тили ва ижодкор индивидуал услуби шаклланишининг асосий воситаси деб қарайди ҳамда уларнинг энг намунавий ва характерли жиҳатларини таҳлил қилади. Аммо бадиий тасвир воситаларининг матнда воқеланиши, хусусан, лингвопоэтик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этиш долзарб муаммолигича турибди.

Мустақиллик йилларида ўзбек бадиий матнини ўрганишга оид тадқиқотларда инсон бадиий-эстетик оламини тил ва нутқ диалектикаси, тил ва услуб позициясида туриб таҳлил этилганлиги ўзбек тилининг ниҳоятда бой тасвирий воситаларини янада ёрқинроқ англашимиз ва ўзлаштиришимизга шароит яратади. Шу маънода Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ижоди намуналарини лингвопоэтик нуқтаи назардан таҳлил этиш мисолида поэтик индивидуалликнинг бадиий мушоҳада жараёнига кўрсатадиган таъсири ва она тилимизни бойитиш йўллари тадқиқ этиш ҳамда бу бетакрор шоирнинг халқимиз бадиий-эстетик тафаккури ривожига қўшган муносиб ҳиссасини аниқлаш имконини беради. Бинобарин, «...Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси»<sup>1</sup> тилшуносликнинг барча йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш ва турли амалий тажрибалар ўтказишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, тилни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, тил масалаларини унинг соҳиблари дунёкараши, тафаккури ва оламни лисоний билиш даражасидан келиб чиқиб тадқиқ қилиш фанда катта ютуқларни қўлга киритишни таъминлайди. Усмон

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www.http://prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137)

Азим ижоди шу пайтгача, асосан, адабиётшунослик йўналишида ўрганиб келинганлиги, аммо ўзбек тилшунослигида яхлит ҳолда лингвостилистик ва лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Бадиий адабиёт тилини ўрганишга бағишланган кузатишларнинг маълум қисми алоҳида олинган шоир ва ёзувчиларнинг тили тадқиқига бағишланганлиги билан эътиборга моликдир. Бу тадқиқотларда икки йўналиш кузатилади. Ўзбек тилшунослиги тадқиқотларнинг бир йўналишида маълум давр тилининг тарихини ўрганиш мақсадида бадиий матнлардан фактик материал сифатида фойдаланиш борасида, иккинчи йўналишида маълум даврнинг ёки турли замонларда яшаган шоир ва ёзувчиларнинг тили ва услубини тадқиқ этиш борасида кейинги йилларда муайян ютуқларни қўлга киритди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Жумаев Т. Умар Бокий асарларининг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 1997. –23 б.; Холманова З. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. 25 б.; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2000. –25 б.; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2001. –24 б.; Бабаджанов Ф. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Бехбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Самарқанд, 2002. –23 б.; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Самарқанд, 2004. –23 б.; Тожибоев М. Муҳаммад Шайбоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2004. –24 б.; Джалалова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. –22 б.; Халиков А. «Гўрўғлининг туғилиши» дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2009. –24 б.; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. –52 б.; Хасанов А. Абдулла Қаҳҳор хикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. –26 б.; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърини лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2011. –25 б.; Кадирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2012. –26 б.; Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2012. –25 б.; Хамраева Х. Озод Шарафиддинов публицистикасининг тили ва услуби: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2012. –27 б.; Шофқоров А. Миртемир шеърини тақдорининг

Кейинги йилларида ўзбек бадий матни муаммоларига, хусусан, унинг лингвопоэтикаси масалаларига бағишланган бир неча диссертациялар ҳимоя қилинди, монографиялар нашр этилди. И.Мирзаев, С.Каримов, М.Ёқуббекова, М.Йўлдошевларнинг докторлик диссертациялари<sup>1</sup>, М.Йўлдошев, Г.Муҳаммаджонова, Д.Шодиева, Ш.Ҳайдаров, Д.Жамолидинова, Ф.Ибрагимоваларнинг номзодлик диссертациялари<sup>2</sup>, М.Муҳиддинов, С.Каримов ҳамда Б.Йўлдошев, З.Шодиевларнинг монографиялари шулар жумласидандир.<sup>3</sup> Аммо ўзбек тилшунослигида бу каби монографик кузатишлар Усмон Азим ижодий материали асосида ҳали олиб борилган эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакили Усмон Азим шеърий асарлари тилини лингвопоэтик таҳлил этиш орқали унинг индивидуал ижодий манерасига хос хусусиятларни белгилаш ва шоир поэтик асарлари матнида коннотатив вазифа бажараётган тил элементларининг услубий имкониятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек тилшунослигида лингвопоэтика соҳасининг тадрижий тараққиётини аниқлаш;

Усмон Азим шеърияти мисолида лингвопоэтик таҳлил турларини аниқлаш;

Усмон Азим шеърияти лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш;

шоир поэтик асарларининг электрон версиясини – матнини яратиш;

---

маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2012. –27 б.; Анданиязова Д. Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. –52 б.; Тошхужаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол.фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс.автореф. – Фарғона, 2017. –50 б. ва бошқалар.

<sup>1</sup> Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дис... д-ра филол. наук. –Ташкент, 1992. – 43 с.; Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуги: Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 1994. –292 б.; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. –Тошкент, 2005. –27 б.; Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. –Тошкент, 2008. –313 б.

<sup>2</sup> Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2000. –26 б.; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2004. –25 б.; Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2007. –26 б.; Ибрагимова Ф. Бадий матнда эллипсис ва антиэллипсис. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. –26 б.; Жамолидинова Д. Бадий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. – 26 б.

<sup>3</sup>Муҳиддинов М., Каримов С. Фафур Фуломнинг поэтик маҳорати. Монография. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2003. –126 б.; Йўлдошев Б. Шодиев З. «Уфқ» трилогиясининг лингвопоэтик тадқиқи масалалари. – Самарқанд, 2006. –126 б.

шоир қўллаган сўз ва фразаларнинг, матндаги синтактик қурилмаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

Усмон Азимнинг бадиий ижод жараёнида тилдан фойдаланишдаги индивидуаллигини аниқлаш ҳамда ўзбек тилининг лексик-стилистик тараққиётига қўшган ҳиссасини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Усмон Азим шеърятининг муайян қисмини камраб олган «Сайланма» (1995), «Фонус» (2007), «Юрак» (2009) тўпламлари матни танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Усмон Азим шеърятини ўзбек тили лисоний имкониятлари воқеланишининг лингвопоэтик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Стилистик ва лингвопоэтик стратификация методлари ёрдамида шоир шеърятини намуналари қиёсий таҳлил этилган ва уларнинг ифодадаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлари кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек поэтик нутқи фондининг таркибий қисми саналадиган Усмон Азим шеърятини матни лингвопоэтик таҳлилида унинг ижодига хос бўлган индивидуал жиҳатлар асосланган;

поэтик синтаксис элементларнинг функционал-стилистик ўзига хосликлари ҳамда ўзбек тилидаги гап қурилишининг анъанавий тамойилларидан кўра ижодкор индивидуал услубига хос бўлган структурал ўзгаришлари далилланган;

Усмон Азим поэтик тафаккури ва индивидуал манерасини белгилайдиган, адабий тил меъёри учун ғайриодатий бўлган синтактик қурилмаларнинг мантиқий ва грамматик алоқаси, гапда, фразада, умуман матнда сўзларнинг, синтактик қурилмаларнинг ғайриодатий ўринлашиши исботланган;

Усмон Азим шеърятининг ритмик синтаксиси ва риторикасини вужудга келтирган стилистик фигуралар ўзбек халқ достончилигида мавжуд бўлган оҳанг, баён усули билан таққосланиб, шоирнинг индивидуал услуби очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг индивидуал поэтик манерасига хос хусусиятлар тил материалининг лингвостилистик ва лингвопоэтик таҳлили ёрдамида асослаб берилган;

тил бирликларининг лингвостилистик ва лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш натижасида олинган хулосалар асосида ўзбек тилининг тасвирий-экспрессив имкониятлари беҳад даражада кенг эканлиги илмий-амалий жиҳатдан исботланган;

тадқиқот натижаларига кўра нашр этилган мақолалар ва «Усмон Азим асарлари тилининг луғати» тил таълимида бадиий нутқ жараёнида юзага келадиган коннотатив маънолар ва лексик материал актуаллашувини англашга хизмат қилиши амалда кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўйилган масалага ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, лингвостилистик ва лингвопоэтик таҳлил методлар ёрдамида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ва замонавий илмий методлари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ушбу иш ўзбек бадиий матн лингвопоэтик таҳлили концепциясини яратишга, «Бадиий матн таҳлили», «Матннинг филологик таҳлили», «Ўзбек тилининг грамматик услубияти масалалари», «Матн тилшунослиги», «Прагмалингвистика», «Психоллингвистика» каби фанларидан илмий адабиётлар яратишга, лингвопоэтика, лингвостилистика, лингвокультурология соҳаларига оид монографиялар, ўқув қўлланмаларнинг мукаммалашувиغا хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, юзага келган илмий-фактик материалдан адабиёт ва тил таълими жараёнида, ўзбек тилшунослигининг услубшунослик, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили ва бошқа соҳаларига оид танланма курслар, семинарлар ташкил қилиш ва амалий машғулотлар учун ўқув қўлланмалари ва материаллари яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Усмон Азим шеърий асарларининг лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

шоир шеърияти лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга оид хулосалар ФА-Ф1Г041-рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 апрелдаги 89-03-1415-сон маълумотномаси). Ишдаги хулосаларга таянилган ҳолда кўплаб луғавий birlikларнинг изоҳлари мукаммаллаштирилган;

мустақиллик йиллари шеъриятининг бадиий поэтик хусусиятлари, поэтик индивидуаллик, шеъриятда лингвистик воситаларнинг ифодаси масалалари юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими қошидаги «Садоқат» адабий-ижодий тўғарагида маърузалар ўқилган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 24 июлдаги 01-03-11/992-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Усмон Азим шеъриятига оид қарашларнинг бойишига хизмат қилган;

Усмон Азим шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги мулоҳазаларидан «Маънавият қалб кўзгуси», «Ассалом, Фарғонам», «Тема дня», «Адабиёт гулшани» каби кўрсатув ва радиоэшиттиришларда фойдаланилган (Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 12 октябрдаги 01-10/670-сон маълумотномаси, Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 16 августдаги 12-01/102-сон

маълумотномаси, Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 28 августдаги 1250-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган «Усмон Азим асарлари тилининг луғати» (алфавитли луғат: 978-9943-5369-7-5, частотали луғат: 978-9943-5369-8-2, терс луғат: 978-9943-5369-9-9) тил таълимида бадиий нутқ жараёнида юзага келадиган коннотатив маънолар ва лексик материал актуаллашувини англашга хизмат қилиши амалда кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 илмий иш, жумладан, 3 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 137 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, материал ва назарий манбалари, методологик асоси ва методлари, химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилинганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Ишнинг «**Поэтик индивидуаллик тизимида лингвистик воситалар муаммоси**» деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида «*Лингвопоэтика ва унинг тилшуносликда ўрганилиши*» ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган ва бунда жаҳон (Ю.Тынянов, В.Жирмунский, Р.Якобсон, Б.Эйхенбаум, В.Виноградов, Р.Будагов, В.Григорьев, В.Томашевский, М.Бахтин, Ю.Лотман, О.Ахманова, В.Задорнова ва А.Липгарт) ва ўзбек (Н.Маҳмудов, И.Мирзаев, М.Ёқуббекова, М.Йўлдошев, Б.Умурқулов, С.Каримов) лингвопоэтикаси эришган ютуқлар таҳлилига таянилган.

Жумладан, В.Задорнованинг «Матннинг лингвопоэтик таҳлили у ёки бу стилистик усулларни аниқлаш эмас, балки бадиий асар ижод намунаси бўлган эстетик таъсирини изоҳлашга йўналтирилган», – деган фикри асос

қилиб олинган.<sup>1</sup> Лингвопоэтика назариясига оид қарашлар ўз аксини топган энг кейинги манбалардан бири А.А.Липгартнинг «Лингвопоэтика асослари» асари методик асос вазифасини ўтаган.<sup>2</sup>

Ўзбек филологияси илмида ушбу муаммо билан шуғулланиш ўзининг тарихий илдизларига эгаллиги ва у Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари билан бошланганлиги таъкидланган.<sup>3</sup> А.Ғуломов ва Ш.Шоабдурахмоновларнинг, Х.Дониёров, А.Ашрапов, Р.Қўнғуров, М.Пўлатов, М.Хусаинов, И.Қўчқортоев, Э.Бегматов, М.Мукаррамов, Х.Назарова, М.Содиқова, Б.Бафоев, Б.Ўринбоев, Қ.Самадов, С.Тўрабекова, Б.Йўлдошев, Л.Абдуллаева, Б.Умурқуловларнинг тадқиқотларига муносабат билдирилган.<sup>4</sup>

И.Мирзаев, С.Каримов, М.Яқуббекова, М.Йўлдошев, Г.Жуманазароваларнинг докторлик, Г.Мухаммаджонова, Д.Шадиева, М.Қосимова, Д.Жамолиддинова ва бошқаларнинг номзодлик диссертациялари ўзбек тилшунослигида лингвопоэтика йўналишдаги дастлабки йирик ишлар сифатида таҳлил қилинган.<sup>5</sup>

Биринчи бобнинг «*Лингвопоэтика ва таҳлил методлари*» номли иккинчи бўлимида лингвостилистик, когнитив ва лингвопоэтик таҳлил методлари ҳақида фикр юритилиб, бу методларнинг таснифи ва тавсифи, улар ўртасидаги алоқадорлик, хусусан, адабий матнлардаги вазифаси ўрганилган. Лингвопоэтик тадқиқотларни илмий ва амалий жиҳатдан бирмунча объектив равишда амалга ошириш учун тилшуносликда мавжуд

<sup>1</sup>Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс... д-ра филол. наук. –Москва, 1992. –С.59-60. Кўчирма А.Липгартнинг «Основы лингвопоэтики» асарининг 14-16-бетларидан олинди.

<sup>2</sup> Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – М.: URSS, 2016. –168 б.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар. Ўн беш томлик, 14-том. –Тошкент, 1967. – 272 б.

<sup>4</sup> Ғуломов А. Бадиий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат. 1941. №1; Шу муаллиф. Бадиий асар тилидаги баъзи камчиликлар ҳақида // «Қизил Ўзбекистон», 1945 йил 2 август; Шоабдурахмонов Ш. О художественном языке дастана «Равшан»: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Ташкент, 1949; Дониёров Х., Ашрапов А. «Ўқитувчи» романи ҳақида // Шарқ юлдузи. 1954. №1. –Б.109-123; Пўлатов М. Бадиий асар тилини ўрганиш ҳақида // Совет мактаби. 1957. №9; Қўнғуров Р. А.Қахҳорнинг «Шоҳи сўзана» асарининг лексик ва стилистик хусусиятлари // ЎзДУ асарлари, янги серия, №1, –Самарқанд, 1956; Шу муаллиф. «Кечирилмас гуноҳлар» пьесасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар // ЎзДУ асарлари, янги серия, №77. – Самарқанд, 1958; Хусаинов М. Ойдин ҳикояларида халқ мақолларининг қўлланиши // ЎзДУ асарлари, №91. –Самарқанд, 1959; Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. –Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. –216 б.; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. –Самарқанд: Зарафшон, 1992. –140 б.; Каримов С. Ўзбек тилининг функционал стилистикаси. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. –192 б.; Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2016. – 160 б.

<sup>5</sup> Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Дисс... д-ра. филол. наук. –Ташкент, 1992; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 1994; Яқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дисс. –Тошкент, 2005; Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. –Тошкент, 2009; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2017; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2004; Шадиева Д. Мухаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2007; Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2007; Жамолиддинова Д. Бадиий нутқда парантез бирликларининг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2009 ва бошқалар.

бўлган анъанавий ва замонавий систем-структур таҳлил методларидан ўрни билан фойдаланиш лозимлиги хулосаланган.

Тилшунослик соҳалари орасида лингвопоэтика ва лингвостилистика бир-бирига яқин бўлганлигидан лингвопоэтик кузатишларда лингвостилистик таҳлил методлари – стилистик тажриба, семантик-стилистик, қиёсий-стилистик ва статистик-стилистик таҳлил, когнитив таҳлил, поэтик-когнитив таҳлил методларидан фойдаланиш лозимлиги ҳақида фикр билдирилган.<sup>1</sup> Чунки, бадий матн лингвистик таҳлил методикасини ишлаб чиқишда асарнинг ғоявий мазмунига, адабий тил ва ундан чекиниш ҳолатларига, тарихийлигига, экстралингвистик омилларга таяниб иш кўрилади.

Ўзбек тилшунослиги учун бирмунча янгилик саналадиган когнитив таҳлил методи ҳақидаги фикрлар Д.Худойберганова ишларида мавжудлиги, унда когнитив талқинда матн яратилишига «муаллиф – матн – матндан ташқаридаги воқелик» тамойили асосида ёндашилиб, матнга бир вақтнинг ўзида бир неча нуқтаи назар билан қараш фикри илгари сурилганлиги, бинобарин, мана шу методларга таяниб иш кўрилгандагина лингвопоэтик таҳлиллар ҳам ишончли ва самарали бўлишига эътибор қаратилган.<sup>2</sup>

Шунингдек, ушбу бўлимда лингвопоэтиканинг таҳлил методлари сифатида ҳикоявий типлар лингвопоэтикаси методи, уч босқичли таҳлил методи, бадий усул лингвопоэтикаси методи, лингвопоэтик қиёслаш методи, лингвопоэтик стратификация методлари ўрганилган, уларнинг ҳар бирининг афзаллик жиҳатларига урғу берилган.

Лингвопоэтиканинг жаҳон тилшунослигида тавсия этилган бу каби таҳлил методларидан ўзбекча бадий матнлар тадқиқида ҳам фойдаланиш ва бунда ўзбек бадииятнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги, ушбу методлар асосида олиб борилган лингвопоэтик тадқиқотлар бадий матнлардаги тил воситаларнинг эстетик қиммати ҳақида кенг маълумотлар бериши ва муайян илмий хулосаларга келишга асос бўлиши ҳақида хулосага келинган.

Шундай қилиб, бадий адабиёт ва унинг тили юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ижодкор тафаккур оламининг кенгайишига хизмат қилиши баробарида, китобхонлар эстетик дидининг такомиллашувига ҳам кўмаклашиши шубҳасиз.

Бадий матннинг шаклланишида асосий омил – ёзувчи омилидир. Унинг ижод йўли ва услуби эса мутлақо индивидуалдир. Унинг маҳорати сабаб, матнда қўлланилган ҳар бир тил материали поэтик бирликка ва фақат шу ижодкор услубига хос бўлган индивидуал воситага айланиши мумкин.

Ўзбек халқи тафаккурида бўлаётган ўзгаришлар, оламини бадий-эстетик идрок этиш талаб ва имкониятларининг орта бориши билан бадий матнни илмий тадқиқ этишга бўлган талаблар ҳам кучайиб борди. Бунинг

---

<sup>1</sup> Лингвистический анализ художественного текста. Составители: Милютин О., Мингазитдинова Н. – Ташкент, 2007.

<sup>2</sup> Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015. – Б.12-13.

натижасида бугун ўзбек филологиясида матннинг лингвопоэтик ва когнитив, лингвомаданий ва антропоцентрик таҳлили масалалари кун тартибига жиддий қўйилди.

Мустақиллик йилларида мавзуга оид олиб борилган кузатишлар ана шу бўшлиқни тўлдирувчи тадқиқотлар сифатида майдонга келди. Бу амалга оширилган ишлар нафақат бадиий матн, балки ижодкор идиостилини аниқлашга янгича ёндашувларни ҳам белгилаб берди.

Ушбу тадқиқотларда билдирилган мулоҳазалар кейинги олиб бориладиган кузатишлар учун назарий манба бўлиб хизмат қила олади. Ҳар қандай матн, унинг ифода шакллари, хусусан бадиий матн ҳақида, матнга лингвопоэтик ёки когнитив ёндашув, экспрессивлик ва эстетик таъсир ҳамда бадиий-эстетик бутунлик тушунчалари, интертекстуаллик, бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлил тамойиллари ва методлари ҳақидаги қарашлар шулар жумласидандир.

Лингвопоэтик таҳлил жараёнида шакл ва мазмун диалектикаси, тилшунослик ва адабиётшуносликдаги ёндош соҳаларнинг бирлашуви, матнда актуаллашаётган лингвистик бирликларнинг поэтик валентлиги, уларнинг бадиий тафаккурга хос инъикоси каби масалаларга янгича ёндашувлар ҳақидаги илмий маълумотлардан ҳам шу манбалар орқали озиқланиш мумкин бўлади.

Биобарин, лингвопоэтик тадқиқотлар умумфилологик тадқиқотларнинг ўзига хос чўққиси ҳисобланади ва унинг учун инсоний туйғуларнинг юксак ифодаси бўлган тилнинг олий мақомдаги имкониятлари кузатиш объекти сифатида олинади. Ишлаб чиқилган лингвопоэтик таҳлил методлари бугун ҳар қандай ўзбекча адабий матнларни ҳам тадқиқ этиш ва унинг бадиий-эстетик таъсир кўламини белгилашга имкон беради.

Бадиий матннинг шаклланишида асосий омил – ижодкор-тил-бадиият муштараклигидир. Ижодкорнинг индивидуал маҳорати сабаб, матнда қўлланилган ҳар бир тил материали поэтик бирликка ва фақат шу ижодкор услубига хос бўлган индивидуал воситага айланиши мумкин. Лингвопоэтик тадқиқотлар умумфилологик тадқиқотларнинг ўзига хос чўққиси ҳисобланади ва унинг учун инсоний туйғуларнинг юксак ифодаси бўлган тилнинг олий мақомдаги имкониятлари кузатиш объекти сифатида олинади. Ишлаб чиқилган лингвопоэтик таҳлил методлари бугун ҳар қандай ўзбекча адабий матнларни ҳам тадқиқ этиш ва унинг бадиий-эстетик таъсир кўламини белгилашга имкон беради.

Ишнинг «**Поэтик матнда такрор усулини қўллашнинг просодик ва композицион принциплари**» деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг «*Аллитерация поэтик индивидуалликни белгиловчи омил сифатида*» деб номланган биринчи бўлимида аллитерация адо этадиган бадиий-эстетик вазифа ва унинг қўлланишидаги функционал чегараланиш, айнан аллитерация сингари стилистик фигуралар туфайли шеърини матнлар бошқа матнлардан жиддий фарқ қилиши ҳақида сўз юритилган.

Поэтикада маънони кучайтириш ва тасвирдаги айрим эпизодларни алоҳида ажратиб кўрсатишнинг махсус усули товушлар такрори бўлиб

ҳисобланар экан,<sup>1</sup> бу ерда ҳам шаклнинг мазмун реаллашувига хизмат қилиш тамойили амал қилади. Усмон Азим шеъриятида ҳам аллитерация руҳий ҳолатнинг муайян кўринишдаги ифодаси бўлиб, унинг ёрдамида лирик қаҳрамон ички дунёси очиб берилишига, образларнинг поэтик талқинига йўналтирилади. Айни пайтда, шеърий мисраларда муайян бир товушни такрор қўллаш эҳтиёжи ижодкорга мазмунга путур етказмаган ҳолда сўз танлаш масъулиятини ҳам юклайди. Бу фикрлар Усмон Азим асарлари матнидаги товушларнинг статистикасига ҳам асосан мос келади. Масалан, шоирнинг «Сайланма»си<sup>2</sup> матнида ундошлар частотаси юқоридан пастга қараб қуйидагича кўриниш касб этади: **Н**-17586, **Р**-14232; **Л**-11894; **М**-10909; **Д**-10332; **Т**-8722; **Б**-8719; **Г**-8031; **К**-6386; **Қ**-6297; **С**-6042; **Й**-4208; **Ш**-3944; **З**-3887; **Ч**-2785; **Ҳ**-2545; **Ғ**-1769; **В**-1725; **Х**-1306; **П**-1248, **Ж**-1022; **Ф**-764.

Қўлланиши 10.000 дан ортиқ бўлган товуш олинадиган бўлса, **н, р, л, м, д** ундошлари частотасининг юқорилиги уларнинг поэтик матнларда фаоллигидан далолат берса-да, уларнинг поэтиклиги ҳақида бу тарзда хулоса чиқариб бўлмайди. Бу борада ишончли хулосага келиш учун ишда уларнинг айримларининг аллитерация ҳосил қилиш даражаси тадқиқ этилди.

Натижада **н** ундошининг қўлланиш частотаси юқори бўлганлиги аниқ бўлиб турса ҳам, унинг Усмон Азим «Сайланма»си таркибида аллитерациялашган ҳолда қўлланмаганлиги, титроқ товуш бўлса-да, айтилишида жарангдорлик бўлган **р** товуши шоир шеъриятида аллитерация сифатида такрорланиши, ҳар бир сўзни алоҳида урғу билан, чертиб-чертиб, сезилар-сезилмас пауза билан талаффуз қилишни тақозо этиши ва бу билан лирик қаҳрамон руҳиятига мос ифоданинг шаклланишига шароит яратганлиги аниқланди.

Сирғалувчи ва жарангиз товуш сифатида қараладиган **с** ундошининг тасвирий имконияти матн таркибидаги товушларнинг умумий фонидан унчалик сезилмаса-да, поэтик асарларда аллитерация элементи сифатида қўлланганда уларнинг моҳияти ўзгариши, замиридаги кескинлик, қатъият, баъзан майинлик каби оттенкаларни намойиш этиб, экстралингвистик ва лингвистик омиллар уйғунлигини таъминлашга, ижодкор руҳий оламидаги туғёнларнинг юзага чиқишига кўмаклашиши маълум бўлди. Масалан, кескинлик оттенкаси: *Сайлашса сайлашар-да, / Одам каму, раис мўл;* майинлик оттенкаси: *Саҳарнинг салқинини / Ўтга отди саратон. / Саҳронинг ўртасида / Шамол қовжираб ёнди. / Сабрнинг гавараси – / Саксовул – шўрлик армон;* муносабатдаги қатъият оттенкаси: *Ялинаман унга: / – Бор, Бойсунга бор! / Шаҳарга ярашмас саҳройи сўхтанг. / Борсанг – шамол тайёр, ёмғир ҳам тайёр, / Тоглар орасида яшайсан / кўркам;* муносабатдаги салбийлик оттенкаси: *Уфқлар салқи тортган, / Салт от серрайиб турар* каби. Бу ерда экспрессивликнинг ҳосил бўлишига **р** нинг геминатив ҳолати ҳам кўмаклашган.

<sup>1</sup> Изобразительные средства на примерах поэзии Маяковского: <http://www.bobysh.msk.ru/43/9086/1.html>.

<sup>2</sup> Усмон Азим. Сайланма – Тошкент: Шарқ, 1995. – 432 б.

Шу тарзда ишда аллитерациялашган ундошларнинг ҳар бири тавсифланган ва уларнинг Усмон Азим шеъриятида ижодкор услубини яққол кўрсатиб берадиган, унинг баён усулидаги халқчиллик ва мардонаворлик, жасорат ва қатъият сингари жиҳатларни намоён этувчи муҳим лингвистик ва экстралингвистик омил сифатидаги ўрни очиб берилган.

Бобнинг «Параллелизм ва унинг Усмон Азим шеъриятида тутган ўрни» деб номланган иккинчи бўлимида оҳангдорликни таъмин этадиган воситалардан бири – параллелизм ҳодисаси тадқиқ этилган. Параллел образлар, уларнинг ўзаро қиёсланиши, бу қиёсларнинг поэтик матнда тенгма-тенг, кетма-кет, баъзан қарама-қарши қурилмаларда келтирилиши ёки сўзларнинг тескари тартибда жойлашиши параллелизм фаоллигининг асосий омилларидан бўлганлиги аниқланган. Мавзу доирасида айтилган Ю.Лотман,<sup>1</sup> И.В.Арнольд,<sup>2</sup> А.Мамажонов,<sup>3</sup> Р.Шукуров<sup>4</sup> қарашларига муносабат билдирилган.

Параллелизмга оид мукамал тадқиқотлардан бири Роман Якобсоннинг «Грамматик параллелизм ва унинг рус аспектлари» номли асари<sup>5</sup> эканлиги қайд этилиб, Усмон Азим поэтик матнида қўлланган такрорлар, хусусан параллел бирликлар таҳлилида унда келинган хулосалардан назарий асос ва тадқиқот усулларида тажриба сифатида фойдаланилганлиги эътироф этилган ва шоирнинг «Катта лейтенант У.Азимовнинг аскарларига сабоғи» шеърисида қўлланилган параллелизмлар батафсил таҳлил этилган. Шу тарзда Усмон Азимнинг индивидуал услубига хос бўлган жиҳатлар – қатъият ва шиддатни, ифодада тағмаънога жиддий эътибор бериш кабилар исботлаб берилган.

Усмон Азимнинг халқ оғзаки ижоди руҳида ёзилган «Учинчи ўғил» шеърининг тасвирийлиги анафора, антитеза ва параллелизм уйғунлигига асосланган: *ардоқламоқ – пода боқмоқ, нар тўшакда ухламоқ – бўсагага бошини қўйиб ухламоқ, маликага уйланмоқ – қурбақага уйланмоқ* каби: *Учинчи ўғил, / отанг акаларингни ардоқлайди / сен пода боқасан. / Акаларинг нар тўшакда ухлайдилар, / сен – бўсагага бошингни қўйиб. / Акаларинг маликаларга уйланадилар, / сен қурбақага уйланасан, / учинчи ўғил.* Шеърдаги ҳар бир микроқисм учинчи ўғил таъкиди билан бошланади ва иккинчи микроқисмда ҳам акалар учун *равон йўл, гиштдан уй, мрамрдан қаср, олтиндан сарой*; уканинг *йўли эса борса келмас, яшашга чор девор* ҳам йўқ. Учинчи микроқисмга келиб антитеза мантиғи ўзгаради: *Учинчи ўғил, / акаларингда / пул, мансаб оғайнилар, катта қорин, соғлиқ бўлади – /Сенинг ёлғиз Ватанинг... Акаларда: пул, мансаб оғайнилар, катта қорин, соғлиқ;*

<sup>1</sup> Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. – Санкт-Петербург: Искусство-СПБ, 1996. <http://www.rambler.ru/srchoe=1251&likex=3A776A95>.

<sup>2</sup> Стилистические фигуры, построенные по принципу синтаксического параллелизма в современном русском литературном языке. [http://mirrabot.com/workwork\\_11161.html](http://mirrabot.com/workwork_11161.html).

<sup>3</sup> Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.32-38.

<sup>4</sup> Шукуров Р.М. Параллел синтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. дис. автореф. – Фарғона, 2004. – 23 б.

<sup>5</sup> Якобсон Р. Грамматический параллелизм и его русские аспекты / Якобсон Р.Я. Работы по поэтике: Переводы / Сост. и общ. ред. М.Гаспарова. – Москва: Прогресс, 1987. – С.99-132.

укада эса биргина Ватан бор. Бутун бойлигу мансаб тушунчаси Ватанга зидлантирилади ва, айна пайтда, параллел қўлланилади.

Навбатдаги микроқисмда зидлантириш ўз кульминациясига етади: аввалги парчада *Ватан* сўзи ўзак сўз мақомида турган бўлса, кейингисига келиб, вазият бутунлай ўзгаради – унга матнда келтирилмаган *садоқат* тушунчаси тенглаштирилади. Ўзаро қаршилантилган *сотади – сотиб бўлмайди* феъллари ана шу буюк тушунчанинг моҳиятини ифодалайди: *Учинчи ўғил, / акаларинг виждонларини, инсофларини, / инсонликларини, умрларини сотадилар – / сенинг ёлғиз Ватанинг бор – / Ватанни сотиб бўлмайди*. Шеър ўз финалига етиб боради: *Учинчи ўғил, / бу шеърни ёзганимни билиб қолишса, / катта акам, / кичик акам / мени умр бўйи қийнайдилар – / еганим оғу бўлади, / аммо / жонни тикиб қўяман имзо: / Бу шеърни ёзган мен – Усмон Азимов – / учинчи ўғил!* Парчадаги *катта акам, кичик акам* бирикмаларидан зиддият ахтариш керак эмас. Улар шунчаки, лирик қаҳрамоннинг ўзидан катталарни тилга олишдаги кетма-кетлик, холос. Бу мисралар ўқувчини асосий гапни эшитишга руҳий тайёрлайди: учинчи ўғил бу – шеър муаллифи, учинчи ўғил бу – жонини Ватан учун тиккан Усмон Азимов!

Шеърнинг турли ўринларида қўлланилаётган учинчи ўғил худди бинонинг тўрт бурчагида кўтарилган бетон устунларга ўхшайди: ҳам асарнинг архитектуроникасини, ҳам мазмун тизгинини мустаҳкам ушлаб туради. Бу каби қўлланишлар мумтоз адабиётимиз учун хос хусусият. Сўз такрорига асосланган бу санъат *масдир* деб номланган.<sup>1</sup> Учинчи ўғил бутун шеър учун ўзак жумладир.

Шакл ва мазмун диалектикасида мазмуннинг бирламчилиги тамойили Усмон Азим шеърлятида ҳам етакчилик қилиши, жумладан, параллелизм матн мазмунини бутунлай ўзгартириб юбора олмаслиги ва конструктив вазифаси нуқтаи назаридан ёрдамчи принцип сифатида майдонга чиқишини унутмаган ҳолда таъкидлаш жоизки, матнда қўлланган ва симметрия принципига асосланган параллелизмлар, улар тилнинг қайси сатҳига дахлдор бўлишидан қатъи назар, муҳим бир поэтик вазифага – экспрессивликка хизмат қилган. Синтагматик бирликларнинг контакт, баъзан эса дистант ҳолатда жойлашуви; нуткий парчалардаги кўп марта қайтариғи, матнга функционал-стилистик жиҳатдан дахлдорлиги параллелизмларнинг экспрессивлигини белгиловчи омиллар сифатида намоён бўлган. Параллелизмларнинг экспрессивлик имкониятларини чуқур ҳис этган шоир *Армонлар айланиб осмон бўлдилар, Осмонлар айланиб армон бўлдилар...* каби фавқулодда оригинал мисралар кашф этган.

Усмон Азим шеърлятида поэтик маънони кучайтиришда фонетик воситалар, хусусан, товушлар такрори, аллитерация, вазн талабига кўра товуш тушиши, товуш орттирилиши, товушларнинг ўрин алмашиши, оҳангдорлик каби фонопоэтик ҳодисалар муҳим ўрин тутди. Шоир уларга

---

<sup>1</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 51 б.; Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент. 1972. –№3. – Б.83-87.

янгича маъно нозиклигини юклаб, матннинг бадий эстетик ва лингвопоэтик салмоғини оширишга хизмат қилдирган. Шоирнинг поэтик индивидуаллигини намоён қилувчи ҳодисалар бўлган параллелизм ва унинг синтактик, лексик, грамматик турлари ва эпифора, анафора каби ҳодисалар тилнинг қайси сатҳига дахлдор бўлишидан қатъи назар, муҳим бир поэтик вазифага – экспрессивликка хизмат қилади.

Ишнинг «**Тил воситаларининг бадий актуаллашуви ва поэтик индивидуаллик**» деб номланган учинчи боби икки бўлимдан иборат. Унда Усмон Азим шеъриятидаги тил воситалари актуализацияси лирик қаҳрамон – инсон ички дунёсини очишга йўналтирилгани, шоир ана шу йўл билан инсон руҳиятига чуқур кириб боргани, унинг эстетик оламини кўра олгани, у қўллаган тил воситалари, индивидуал метафоралар, муаллиф неологизмлари, сўз шаклларида содир бўлган турли хил ўзгаришлар, сўз ўйинлари сингари стилистик усуллар ёрдамида актуаллашгани ва буларнинг барчаси тасвирнинг образли бўлишига, фавқулодда, кутилмаган хулосаларни ўртага ташлашда ижодкорга кўмаклашгани таъкидланган.

Бобнинг «*Поэтик индивидуалликда оксюморон*» деб номланган биринчи бўлими юзасидан олиб борилган тадқиқотлар тил воситаларининг бирикмалар шаклидаги актуаллашувига асосланган оксюморон ҳақиқий маънода индивидуал поэтик восита эканлигини исботлади.

